



## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБИДА ЁНГИННИ БОШЛАНГИЧ БОСҚИЧДА ОЛДИНИ ОЛИШ

Файзуллаев Наврузбек Эркин угли

Магистрант 2-ой степени

Камилов Хасан Мирзахитович

*PhD, доцент, Тошкент давлат транспорт университети*

**Аннотация:** Уибу мақолада ҳаракатланаётган темир йўл таркибидаги ташилаётган юкларни (қишилоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, механизациялари, жиҳозлари ва бошқалар) ташиши жараёнида (ёки ҳаракат таркиби юк ортилган турғун ҳолатида) ёнгинни бошлангич босқичда тезкор бартараф этишида замонавий ёнгин учирин техникаларидан ва жиҳозларидан фойдаланиши бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** темир йўл, ҳаракат таркиби, ёнгин хавфсизлиги, ёнгин учирин техникалар ва жиҳозлари.

### Кириш

Хозирги кунда «Ўзбекистон темир йўллари» Акциядорлик Жамияти (кейинги ўринларда АЖ) томонидан 2020 йилда 4700,6 минг йўловчилар ва 69112,2 млн. тонна (қишилоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, механизациялари, жиҳозлари ва бошқалар) юклар ташилган, 2021 йилда эса 5836,5 минг йўловчи ва 72974,7 млн. тонна юклар ташилди. Жорий йилда ушбу кўрсаткичларни янада ошириш ва янги сифат даражасига олиб чиқиш режалаштирилган [1].

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг асосий мақсади темир йўл транспортига бўлган талабни қондириш, рақобатбардошликтни ошириш, темир йўл саноатининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун давлат ва хусусий шахслар ўртасида шериклик тизимини яратиш [1].

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ мамлакатдаги юк айланмаси бўйича етакчи транспорт ташкилотларидан бири бўлганлиги сабабли, жамият раҳбарияти темир йўл транспорти хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги - бу йўловчилар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соловчи фактлар юзага келиш эҳтимолини камайтириш, ташилаётган юкларнинг хавфсизлиги, темир йўл транспорти инфратузилмаси ва ҳаракат таркибининг хавфсизлиги, экологик хавфсизликка қаратилган ташкилий ва техник тадбирлар мажмуи.

Муаммонинг қўйилиши. Темир йўл транспортида хавфсизлик муаммоси мураккаб ва уни бир неча таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1) саноат хавфсизлиги - юк кўтариш механизмлари хавфсизлиги, шунингдек темир йўл транспортида ёнадиган моддалар ва материалларни ташишда хавфсизлик;



- 2) технологик хавфсизлик - темир йўл транспортидаги технологик жараёнлар хавфсизлиги;
- 3) экологик хавфсизлик - темир йўл транспорти таъсиридан экологик хавфсизлик;
- 4) ёнгин хавфсизлиги - темир йўл транспортидан фойдаланиб ёнгин хавфсизлигини таъминлаш;
- 5) меҳнат хавфсизлиги - темир йўл ишчи-ҳодимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш.

Маълумки, ёнғинлар жуда катта талофтларга олиб келувчи хавф саналади, жумладан темир йўл транспортидаги ҳалокатлари оқибатида содир бўладиган ёнғинлар, шунингдек темир йўллар, сигнализация, ёритиш мосламалари, марказлаштириш ва блокировка қурилмаларининг носозлиги туфайли содир бўладиган, поезд диспетчерлари, темир йўл станцияси навбатчилари хатолари, локомотив машинистларининг эҳтиётсизлиги, эскирган харакатланувчи таркиб моделларидан фойдаланиш оқибатида юзага келадиган ёнғинлар улкан моддий ва жисмоний йўқотишларга олиб келади [2].


Тадқиқот усули ва натижалар. Ёнғинларни бартараф этишда, содир бўлган ёнғинни бошланғич босқичда тезда локализациялаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса бу босқичда ёнғинни бартараф этиш темир йўл транспорти инфратузилмасининг таркибий қисмларида муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Темир йўл транспорти инфратузилмаларида ёнғин профилактикаси тадбирларини ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича белгиланган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек ёнғин хавфсизлигини таъминлаш «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг “Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш” бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бўлимни томонидан амалга оширилади [3]. Бўлим ҳодимлари темир йўл транспорти объектлари ва харакатланувчи поездларни темир йўл станцияларидан жўнаб кетишдан олдин ёнғин хавфсизлиги ҳолатини доимий равишда назорат қиласидилар. Улар ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишини ўз вақтида аниқлаш ва ёнғин хавфи пайдо бўлган ҳолларда тегишли чораларни кўриш учун масъуллар. Аммо ушбу хизмат ёнғин содир бўлгандан сўнг харакатга келтирилади. Ёнғин таснифи, ёнувчи моддаларни миқдори ва таркибига қараб ҳамда ёнғин содир бўлган объект тури ҳисобга олиниб ёнғин техникалари ва воситалари тезда жамланади ва қўлланилади. Санаб ўтилган ишлар ва ёнғин содир бўлган объектга хизмат ҳодимларини етиб бориш маълум вақт талаб қиласиди. Бу эса содир бўлган ёнғинни иккинчи босқичга, яъни кучли алангча олиб, катта энергия ҳосил қилиб ёниши учун шароит туғдиради. Бу ўз навбатида тиклаб бўлмайдиган моддий ва жисмоний зараар етказилишига сабаб бўлади.

Ҳаракатланаётган темир йўл таркибida ёки турғун темир йўл объектларида содир бўлган ёнғинни бошланғич босқичда тезкор бартараф этиш “Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш” бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари томонидан бажарилиш имкони мавжуд эмас, яъни техник имкони бўлмайди.

Ушбу ҳаракатланаётган темир йўл таркибида ёки турғун темир йўл обьектарида содир бўлган ёнгинни бошлангич босқичда тезкор бартараф этишда замонавий ёнгин учираш техникаларидан ва жиҳозларидан фойдаланиш юқори самара беради ва ёнгин туфайли юзага келадиган моддий ҳамда жисмоний зарар кўламини кескин камайишига олиб келади.

Мазкур масалани ҳаракатланаётган темир йўл таркибидаги вагонларга ёки турғун темир йўл обьектларига ҳозирги пайтда, ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилаётган, содир бўлган ёнгинни бошлангич босқичда автоматик-автоном (Тунгус, Гранит, Elide fire ва бошқалар) [4] радиашда ишга тушиб бартараф этиш қурилмаларидан фойдаланиш орқали ечиш имконияти мавжуд. Бу қурилмалар А синифидаги (қаттиқ моддалар), Б (суюқ моддалар), С (газсимон моддалар) ва Е синифидаги (кучланиш остида бўлган электр жиҳозлар) ёнгинни ёнгин хавфи сезилган заҳоти автоматик-автоном радиашда учираш учун мўлжалланган бўлиб, бунда содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинни иккинчи босқичга ўтишига йўл қўймасдан, аланталаниши ҳамда мавжуд инфратузилмаларга зарар етишини олдини олади (1-расм).



1-расм. Автоматик-автоном (Тунгус, Гранит, Elide fire) ёнгин учираш жиҳозини ярим очиқ вагонга ўрнатиш схемаси

### Хуноса

Юқорида келтирилиб ўтилган қурулмаларни темир йўл транспорти инфратузилмаларидан ёнгинни учираш ва бартараф этишда тадбиқ этиш содир бўлиши мумкин бўлган моддий ва маънавий зарарни олдини олиш имконияти яратади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Railway.uz/uz/gazhk/statisticheskie-dannye/;
2. Титова, Т.С. Охрана труда на железнодорожном транспорте: учеб. пособие / О.И. Копытенкова и др.; под ред. Т.С. Титовой. – М.: ФГБУ ДПО «Учебно-методический центр по образованию на железнодорожном транспорте», 2019. – 483 с.
3. http://railway.uz/ru/gazhk/web/6830/;
4. https://antifire.org/product/tungus-9/.